КУТУБХОНАЛАР РИВОЖЛАНИШИ КОНТЕКСТИДА КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЭВОЛЮЦИЯСИ



doi 10.34920/2181-8207/2026/1-215



Барно Ганиева,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори

Кутубхона ишида муваффақиятга эришиш – ислоҳотлар талаблари даражасига жавоб бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур масаланинг долзарблиги, кутубхона мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тарихини ва ривожланиш босқичларини янги методологик ёндашувлар асосида ўрганиш заруратидадир

Annotation. The article analyzes the evolution of the training process for library professionals in connection with the stages of development of the library sector and information technologies. As historical periods changed, libraries began to transform from centers for preserving knowledge into digital and intellectual information centers. In this process, the content of the librarian profession, educational fields, and professional competencies also underwent fundamental changes. The study highlights the formation of library education across historical stages, the processes of digital transformation, and the new competencies emerging in the modern era.

Keywords: library science, digital library, information technologies, information literacy, artificial intelligence, librarian training.

Аннотация. Мақолада кутубхона соҳаси ва ахборот технологияларининг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ ҳолда кутубхона ходимларини тайёрлаш жараёнининг эволюцияси таҳлил қилинади. Тарихий даврлар ўзгарар экан, кутубхоналар билимларни сақлаш марказларидан рақамли ва интеллектуал ахборот марказларига айлана бошлади. Шу жараёнда кутубхоначи касби мазмуни, таълим йўналишлари ва касбий компетенциялар ҳам тубдан ўзгарди. Тадқиқотда тарихий босқичлар бўйича кутубхона таълимининг шаклланиши, рақамли трансформация жараёнлари ва замонавий даврда юзага келаётган янги компетенциялар ёритилган.

Калит сўзлар: кутубхонашунослик, рақамли кутубхона, ахборот технологиялари, ахборот саводхонлиги, сунъий интеллект, кутубхоначи тайёрлаш.


Кутубхоналар республикадаги узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўғини сифатида фаолият юритиб, мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамиша долзарб бўлиб келган. Касбий тайёргарликка эга малакали кадрлар жамият тараққиёти ва маданий ривожланишининг асосий омилларидан биридир [2]. Шу боис, кутубхоначилик таълими тизимини ривожлантириш ва олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кутубхона ишида муваффақиятга эришиш – ислоҳотлар талаблари даражасига жавоб бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур масаланинг долзарблиги, кутубхона мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тарихини ва ривожланиш босқичларини янги методологик ёндашувлар асосида ўрганиш заруратидадир. Ахборот-кутубхона муассасасининг ривожланиши бевосита кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлиб, соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, тармоқнинг тараққиёт даражасини белгилайди. Агар даврлар, технологиялар ўзгариши билан юзага келаётган кутубхона ходимларини тайёрлаш тизимидаги камчиликлар бартараф этилмаса, бу ҳолат бевосита кутубхоналарнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ахборот, маданият ва таълим марказлари сифатида кутубхоналар аҳолининг турли қатламларига зарур ва долзарб ахборотни тақдим эта олмасалар, бу ҳол уларнинг жамиятдаги ўрнини сусайтириб, фан ҳамда маданият ривожига тўсқинлик қилади. Бугунги кунда соҳага кадрлар тайёрлаш тарихини ўрганиш ҳамда методологик ва назарий асосларни

ишлаб чиқиш муҳимдир. Шу билан бирга, кутубхона профессиологияси соҳасида хусусий-илмий методологияни шакллантириш, хусусан, кутубхона ходимларини тайёрлаш ва профессионаллаштириш назариясини ишлаб чиқиш, келгусидаги илмий тадқиқотлар йўналишларини аниқлаш имконини беради. Албатта, кутубхона таълими амалиётга таянмоғи зарур, чунки кутубхоналар нафақат ахборот марказлари, балки маданиятни кенг ёювчи кучли ижтимоий институт ҳисобланади. Кутубхона кадрларини тайёрлаш муаммоси дастлаб илк кутубхоналар ташкил топган даврларданоқ мавжуд бўлиб, кўп мамлакатлар тарихида шуни кузатиш мумкинки, узоқ вақт давомида бу жараён кутубхоналарнинг ўзида амалга ошириб келинган. Кейинчалик, алоҳида таълим институтлари ривожлана бошлаган. Кутубхоналар доимо жамиятни ривожланиш тенденциялари тамойили асосида биргаликда ривожланиб, жамият аъзоларининг ахборотга бўлган талабларини қондиришга йўналтирилган. Ахборотлашган жамият шароитида кутубхоналар ўз фаолиятини анъанавий шаклдан замонавий рақамли платформаларга кўчирмоқда. Бу эса кутубхоначилик касбининг моҳиятини, касбий тайёргарлик тизимини ва малака талаблари мезонларини тубдан ўзгартирди. Кутубхона таълими эндиликда нафақат билимларни сақлаш, балки ахборотни таҳлил қилиш, фойдаланувчилар билан интерактив мулоқот олиб бориш ҳамда сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланишни ўргатишни кўзда тутади. Кутубхона ходимларини тайёрлаш тизимининг эволютсияси тўрт босқич асосида *(1-расм)* таҳлил қилиниб: анъанавий, институтционал, рақамли трансформация ва замонавий интеллектуал босқичлар бирин-кетин ўз ўрнини ўзидан кейинг босқичга бўшатиб беради.

Кутубхона ходимларини тайёрлаш тизими жамият тараққиёти, ахборот эҳтиёжларининг ўсиши ҳамда таълим ва технологиялар ривожи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб, турли тарихий босқичларда ўз вазифалари, мазмуни ва методлари жиҳатидан ўзгариб борган ҳамда ҳозирда фанлараро, компетенсияга асосланган ва узлуксиз таълим моделига таянган ҳолда ривожланмоқда. Хусусан, билимларни сақлаш марказлари сифатида кутубхоналар XIX асрда асосан босма нашрларни сақлаш ва тизимлаштириш вазифасини бажариб [3], мазкур даврда каталоглаштириш ва библиографик ишлар кутубхона фаолиятининг марказида бўлган [4]. Кутубхоначиларни тайёрлаш тизими – амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, Колумбия университети қошида 1887-йилда ташкил этилган биринчи кутубхоначилик мактаби бунга мисолдир [5]. XX асрнинг иккинчи ярмида кутубхоналар ахборот марказларига айлана бошлади. Автоматлаштирилган кутубхона тизимлари (ILS) жорий этилди, илмий ва техник кутубхоналар шаклланди. Университетларда кутубхона ва ахборот факультетларининг ташкил топиши [7] ўқув дастурларни тубдан ўзгартирди. Кутубхоналарни автоматлаштириш асослари йўналишлари вужудга келиб, технологик жиҳатдан эса MARC (Machine-Readable Cataloging) тизими бу даврда муҳим янгилик бўлди. 1990-йиллардан бошлаб эса рақамли кутубхоналар, электрон архивлар ва онлайн каталоглар (OPAC) пайдо бўла бошлади [8]. *(1-жадвал)*

Кутубхоналар энди глобал ахборот алмашинув тизимининг бир қисмига айланди. Шундай жараёнларда, кадрлар тайёрлаш соҳаси, ўқув режаларига даврнинг технологик талабларига мос тарзда Автоматлаштирилган кутубхона тизимлари, Электрон ресурслар ва маълумотлар базалари, Ахборот саводхонлиги каби фанлар жорий қилиниб, ўқитила бошланди. Кутубхоначиларнинг вазифаси фойдаланувчиларга рақамли ахборот манбаларидан фойдаланишни ўргатишга қаратилди. Бу даврда ривожланган асосий технологиялар бу – электрон каталоглар (OPAC), рақамли омборлар (DSpace, EPrints), маълумотлар базалари, аналитик тизимлар (Scopus, Web of Science) бўлиб, сўнгги ўн йилликларда эса кутубхоналар

Кутубхона кадрларини тайёрлаш муаммоси дастлаб илк кутубхоналар ташкил топган даврларданоқ мавжуд бўлиб, кўп мамлакатлар тарихида шуни кузатиш мумкинки, узоқ вақт давомида бу жараён кутубхоналарнинг ўзида амалга ошириб келинган. Кейинчалик, алоҳида таълим институтлари ривожлана бошлаган



1-расм. Кутубхона ходимларини тайёрлаш тизимининг эволюцияси

1-жадвал

Веб технологиялар ва кутубхона технологияларининг ривожланишига мувофиқ таълимдаги ўзгариш босқичлари

Кутубхона	Веб	Кутубхона технологиялари ва хизматлари	Таълим
Кутубхона 1.0: Анъанавий кутубхоналар, китоблар ва босма материалларни сақловчи маскан сифатида. Карточкалар орқали қидирув Асосий мақсад: ахборотни яратиш, сақлаш ва тақдим этиш	Веб 1.0 (Статик веб): бир йўналишли статик контент, оддий веб-саҳифалар, ўзаро алоқанинг камлиги.	Босма фондлар, карточкали каталог, анъанавий библиографик хизмат	Ахборот ресурслари ва ҳужжатшунослик Кутубхона фондларини шакллантириш Библиография асослари Каталоглаштириш ва таснифлаш (УДК, ББК) Компьютер саводхонлиги HTML асослари Ахборотни излаш усуллар
Кутубхона 2.0: рақамли каталоглар, дастлабки электрон ресурслар, онлайн каталог (OPAC) хизматлари, интерактивлик. Асосий мақсад: фойдаланувчи билан ўзаро алоқа, контент яратиш	Веб 2.0 (Ижтимоий веб): динамик контент, блоглар, ижтимоий тармоқлар, мулоқот ва ҳамкорлик учун платформа.	Электрон каталог (OPAC), рақамли ресурслар, фойдаланувчи иштироки, онлайн хизматлар	Рақамли кутубхоналар Электрон каталоглар ва OPAC Ижтимоий тармоқлар ва ахборот маданияти Веб-дизайн асослари Контент-менежмент тизимлари (CMS) Ахборот коммуникатсиялари Медиа ва ахборот саводхонлиги Онлайн хизматларни ташкил этиш
Кутубхона 3.0: сунъий интеллект технологияларини интеграциялаш, фойдаланишни шахсийлаштириш, рақамли тўпламлар, масофавий хизматлар. Асосий мақсад: маълумотларни таҳлил қилиш, интеллектуал қидирув	Веб 3.0 (Семантик веб): семантик маълумотлардан фойдаланиш, қидирувни такомиллаштириш, катта маълумотлар (Big Data) билан ишлаш.	Метадата, семантик қидирув, рақамли коллекциялар, масофавий ахборот хизмати	Семантик веб технологиялари Метадата ва онтологиялар Маълумотлар базалари Big Data асослари Ахборотни таҳлил қилиш Рақамли архивлар Ахборот тизимлари интеграцияси Тадқиқот методологияси ва илмий ахборот
Кутубхона 4.0: сунъий интеллект билан қўллаб-қувватланадиган «ақлли» кутубхоналар, виртуал ёрдамчилар, рақамли аналитика, VR -технологиялар. Асосий мақсад: сунъий интеллект ва автоматлаштириш	Веб 4.0 (Интеллектуал веб): сунъий интеллектдан фойдаланиш, Internet of Things (IoT), аналитика	Сунъий интеллект, виртуал ёрдамчилар, аналитика, автоматлаштирилган хизматлар	Сунъий интеллект асослари Машинавий ўрганиш Ахборот тизимларида аналитика Internet of Things (IoT), Рақамли трансформация Виртуал ёрдамчилар ва чатботлар Киберхавфсизлик Ахборот этикаси ва ҳуқуқи
Кутубхона 5.0: «кутубхона – билимлар экотизими» концепцияси, AR/VR билан интеграция. Асосий мақсад: фойдаланувчи эҳтиёжини чуқур тушуниш, экотизим яратиш	Веб 5.0 (Эмоционал веб): фойдаланувчи эмоцияларига жавоб берувчи, биометрик маълумотлардан фойдаланиш, (персонализация) шахсийлаштириш	Билимлар экотизими, AR/VR, шахсийлаштирилган ва эмоционал мослашувчан хизматлар	Инсон – компютер ўзаро алоқаси (HCI) Когнитив фанлар Эмоционал интеллект ва UX дизайн, Биометрик технологиялар, AR/VR технологиялари, Билимлар экотизими ва платформалар Инновацион кутубхона менежменти Рақамли педагогика

рақамли ва илмий ҳамкорлик марказларига айлана бошлади. Ҳозирда кутубхоналарга сунъий интеллект, таҳлилий тизимлар кириб келиб, кенг жорий этилмоқда. Кутубхоначиларни тайёрлашда «Кутубхона - ахборот фаолияти» термини билан бир қаторда «Ахборот фанлари» консепцияси шаклланди [9]. Замонавий фанлардан Кутубхона ишида сунъий интеллект (6), Маълумотлар таҳлили ва илмметрия, Рақамли билимларни бошқариш каби фанлар киритилиб, кутубхоналарда қўлланиладиган технологиялардан чат-ботлар, тавсия тизимлари, *blockchain* асосидаги кутубхона платформалари, автоматлаштирилган хизматлар жорий этила бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, кутубхона таълими эволюцияси кутубхоналар ривожланишидаги ўзгаришларни тўлиқ акс эттириши лозим. Бугунги кунда кутубхоначи энди нафақат билимлар сақловчиси, балки рақамли технологиялар, маълумотлар таҳлили ва илмметрик таҳлиллар, аналитика тажрибаси соҳасида етук мутахассис ҳисобланади. Шу боис, кутубхона таълим тизими инновацион ёндашувларга, технологик интеграцияга ва доимий малака оширишга асосланмоғи лозим. Кутубхона таълим тизими босқичма-босқич модернизация қилиниб, анъанавий фанлар сақланиб қолган ҳолда, рақамли ва интеллектуал фанлар билан бойитилиши муқаррардир. Ҳозирги кунда кутубхона кадрларини тайёрлаш компетенцияга асосланган, узлуксиз ва амалий йўналтирилган таълим моделларига таянади. Олий таълим муассасалари ва касбий ташкилотлар ҳаёт давомида таълим олиш, масофавий ўқитиш, амалиётлар ҳамда халқаро кутубхона ташкилотлари билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратмоқда. Айниқса, рақамли муҳитда самарали фаолият юритиш учун зарур бўлган ахборот саводхонлиги, танқидий фикрлаш, лойиҳа бошқаруви ва илмий-тадқиқот компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кутубхона соҳаси мутахассислари эса – ахборот менежери, билимлар экотизими координатори ва билимлар медиатори сифатида фаолият юрита олади.

Кутубхона ходимларини тайёрлаш тизими жамият тараққиёти, ахборот эҳтиёжларининг ўсиши ҳамда таълим ва технологиялар ривожи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб, турли тарихий босқичларда ўз вазифалари, мазмуни ва методлари жиҳатидан ўзгариб борган ҳамда ҳозирда фанлараро, компетенсияга асосланган ва узлуксиз таълим моделига таянган ҳолда ривожланмоқда

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Arakelov S. Ganieva B. (2024) Information and library education in the context of digitalization of society: promising trends and requirements. Vol. 2 (2024): Environment. Technology. Resources. Proceedings of the 15th International Scientific and Practical Conference. Volume 2*
2. *Ganieva, B. (2020). Development of the librarianship: analysis of the status of librarian personnel training in Uzbekistan. Society. Integration. Education. Proceedings of the International Scientific Conference, 1, 145-156. https://doi.org/10.17770/sie2020vol1.4968*
3. *Buckland, M. (1992). Redesigning Library Services: A Manifesto. https://archive.org/details/redesigninglibra00buck/page/n11/mode/2up?ref=ol*
4. *Dewey, M. (1876). A Classification and Subject Index for Cataloguing and Arranging the Books and Pamphlets of a Library. https://archives.njit.edu/vhlib/weston-library/dewey1876/dewey1876.pdf*
5. *Richardson, J. (2010). History of American Library Science: Its Origins and Early Development https: //www. academia. edu/350676/ History_of_ American_ Library_Science_Its_Origins_and_Early_ Development*
6. *Степанов В.К. Искусственный интеллект в деятельности библиотек: теоретические подходы и практические решения (к итогам научно-практической конференции «Применение искусственного интеллекта в библиотечно-информационной деятельности»). Научные и технические библиотеки. 2024;(11):15-30. https://doi.org/10.33186/1027-3689-2024-11-15-30*
7. *Plummer Alston Jones The history and development of libraries in American higher education https://scispace.com/pdf/the-history-and-development-of-libraries-in-american-higher-33tlkg82kl.pdf#:~:text=*
8. *Case, D. (2016). Looking for Information: A Survey of Research on Information Seeking. https://www.researchgate.net/publication/ 220479845_ Looking_for_Information-A_Survey _of_ Research _on_Information_Seeking_Needs_ and_Behavior*
9. *Tammaro, A. (2017). Digital Libraries in Open Education: The Italy Case https://www.researchgate.net/publication/313756939_ Digital_Libraries_in_Open_Education_The_ Italy_Case*
10. *Bawden, D. & Robinson, L. (2012). Introduction to Information Science. https://books.google.co.uz/books?id=y0SAZwEACAAJ&printsec=frontcover&hl=ru#v=onepage&q&f=false*